Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
28 июнь
ЧОРШАНБА
№ 52 (13000)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни – юртимиздаги барча журналистлар, газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари фидойиларини, муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритганда, биз, аввало, доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб, ҳаётнинг қайноқ нуқталарига кириб борадиган, холислик ва ҳаққонийлик, Ватан ва халқ манфаатларини биринчи ўринга қўядиган олижаноб ва масъулиятли касб эгаларини тасаввур қиламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Бутун мамлакатимиз қатори Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳам мустақиллик йилларида катта ривожланиш йўлини босиб ўтганини барчамиз яхши биламиз ва бундай ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳозирги кунда республикамизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни ташкил этмоқда. Холбуки, мустақилликдан олдин бу рақам бор-йўғи 48 соатга тенг эди, холос.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди. Яқин кунларда иш бошлайдиган, кечаю кундуз узлуксиз фаолият олиб борадиган "O`zbekiston – 24" телеканали миллий ахборот маконида ўз муносиб ўрнини ва ўз томошабинларини топади, деб ишонамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг тезкор ахборот воситаси – Интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод – Интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир.

Албатта, бундай натижаларга эришишда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ана шундай эътибор туфайли ўтган даврда журналистларимиз учун фаолият майдонини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида кўп ишлар қилинди. Жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган 10 га яқин қонун ҳужжати қабул қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий матбуот маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Кейинги пайтда уларнинг қаторига Халқаро пресс-клуб ҳам қўшилди.

Сиз, азизларга яхши маълум, бугунги кунда мамлакатимизда китоб маҳсулотларини нашр қилиш ва тарқатиш тизими самарадорлигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бундай муҳим вазифани амалга ошириш учун юртимизда 118 та нашриёт, 1 минг 760 та матбаа корхонаси, минглаб ижодий ва техник ходимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили 7 тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этилмоқда.

Албатта, бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Лекин ана шу миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, шу асосда оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий тўртинчи ҳокимият бўлиб майдонга чиқишига эришиш, миллий медиа майдонимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз.

Айниқса, ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни, жойларда ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонада аҳоли томонидан кўтарилаётган ўткир ва долзарб масалаларни, уларнинг сабаб ва омилларини очиб бериш, жамиятимизда танқид ва ўзини ўзи танқид руҳини кучайтириш, афсуски, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳали тўла ўз ифодасини топгани йўқ.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаёт барчамиздан дадил ҳаракатларни, фаол ташаббусларни, ҳамма соҳада ҳақ-қоний ва одил муносабатни талаб этмоқда. Кўпни кўрган, сабр-тоқатли, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз амалга оширилаётган ана шундай муҳим ўзгаришларнинг натижасини кутмоқда.

Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман.

Албатта, барчамиз яхши тушунамиз, бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакилларидан нафақат профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айни вақтда юксак гражданлик позицияси, маънавий жасорат ҳам талаб этилади. Бундай мақсадга эришиш учун оммавий ахборот воситаларига қонунчилик нуқтаи назаридан, моддий-техник, ўқув-услубий таъминот нуқтаи назаридан янада кенг имкониятлар яратиб беришимиз керак.

Замонавий миллий журналистика мактабини яратиш кўп жиҳатдан, аввало, юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун биз, аввало, тегишли олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари, экспертлар ҳамжамияти, хорижий ва халқаро ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур.

Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Олдимизда турган, бир-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда, юртимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, унинг ўз кучига, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш, ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, халқ манфаатининг чинакам ҳимоячиси бўлишда оммавий ахборот воситалари бундан буён ҳам фаол ҳаракат олиб борадилар, деб ишонаман.

Мен сиз, муҳтарам матбуот аҳлининг ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этиш учун доимо фидойилик кўрсатиб яшашингизни яхши биламан ва сизларни шу йўлда ўзимнинг энг яқин ҳамкорларим ва ёрдамчиларим деб ҳисоблайман. Сизларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатингиз ўз муносиб баҳосини топиши, янада самарали бўлиши учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини албатта сафарбар этамиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Барчангизни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қутлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда омад ва ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1 сентябрь – Мустақиллик куни мамлакатимиз истиқлолга эришган, жаҳон ҳаритасида янги, мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлган, халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий сана бўлиб, эл-юртимиз томонидан энг улуғ, энг азиз байрам сифатида доимо катта шоду хуррамлик билан нишонланиб келади.

Буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда.

Ватанимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очган Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш, истиқлол даврида эришаётган ютуқларимизни яна бир бор сарҳисоб қилиб, эл-юртимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **"Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Мазкур дастур 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлансин.

Бу борада қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

"Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишларни атрофлича ёритиш;

"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойил асосида жойларда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилгани, бунинг натижасида фуқароларнинг кўплаб мурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этилаетганига алоҳида эътибор қаратиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, ички ишлар тизими ва прокуратура органларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни асосий мавзулардан бири сифатида акс эттириш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, унинг рақобатдошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ва мутаносиб тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ёритишга кенг ўрин ва аҳамият бериш;

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", деган ғоя асосида аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнес ва касаначилик, томорқа хўжалигини ривожлантириш учун янги имконият ва преференциялар яратиб бериш, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, тегишли ташкилотлар орқали зарур ресурслар етказиб бериш тизими йўлга қўйилганини аниқ мисоллар билан кўрсатиш;

Давоми 2-бетда.

Эҳтиром

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада фаол, ҳозиржавоб, ташаббускор бўлишни, мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил асосида ёритишни талаб этмоқда.

ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С. Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани А. Матёқубов ва бошқалар истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий медиа соҳасини равнақ топтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, матбуотни чинакам эркин фикр минбарига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Давоми 2-бетда.



БАХТИ БУТУН ЙИГИТЛАР

Уч ҳамюртимиз – Умид Абдураҳмонов, Фаррух Мусаев ва Бобурбек Йўлдошев хонадонида бугун ҳақиқий байрам, оила аъзоларининг кайфияти аъло. Бу йигитларнинг орзуси ушалди – улар Президентимизнинг шу йил 31 майдаги Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Фармон ва ижро

Тошкент вилояти ҳокими Шукурулло Бобоев тантанали тадбирда йигитларга фуқаролик паспортини топширди.

Фуқаролик паспорти – мамлакатда ва дунёнинг ҳар қайси бурчагида инсоннинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимоясини таъминловчи энг асосий ҳужжатдир. Фуқароликка эга кишининг барча шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан кафолатланади ва таъминланади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат – Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларациясида ҳам ҳар бир инсон фуқаролик ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилгани бежиз эмас, албатта.

Давоми 2-бетда.

АЖДОДЛАРДАН МЕРОС ХАЗИНА

Ёқимли ва мукаммал нутқ инсоннинг ҳеч нарсага тенглаб бўлмайдиган маънавий бойлиги, жавоҳирлар тўла сандиғи ҳисобланади. Яхши сўз, яхши хабар дилни қувончга тўлдиради, юракка малҳамдек таъсир қилади. Шу боисдан ҳам, халқимизда тилга эътибор бериш, ҳар бир сўз, ҳар жумлани ўйлаб гапириш, қисқа сўзлаш, муомала одоби ва маданиятига ҳамиша риоя қилиш хусусида кўплаб ҳикматлар мавжуд.

Маънавият

Кайковуснинг машҳур "Қобуснома" асарида нутқ ва муомала одобига алоҳида эътибор берилган. Асарнинг еттинчи бобида қуйидагиларни ўқиймиз: "Эй фарзанд, токи қила олсанг (яъни, қўлингдан келса), сўз эшитмакдин қочмағилким, киши сўз эшитмак била сухангўйлик ҳосил қилур... Ёлғон ва беҳуда сўз айтмак девоналикнинг бир қисмидур. Ҳар кишига сўз айтар бўлсанг, қарағил, у сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса, ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин".

Кайковус одамларни тўрт тоифага бўлади: "Бири улким, билур ва билғонин ҳам билур. Ул олимдур, унга тобе бўлмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин билур, ул қобилдур, унга ўргатмоқ керак. Бири улдурким, билур ва билғонин билмас, ул уйқудадур, уни бедор қилмоқ керакдур. Бири улдурким, билмас ва билмағонин ҳам билмас, у жоҳилдур, ундан қочмоқ керакдур".

Давоми 4-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

ижтимоий соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб боришга қаратилган ишларга алоҳида урғу бериш;

шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора очилиб бораётгани, аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, электр энергияси, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилашга қаратилган ишларни атрофлича ёритиш;

"Маънавият – энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз", деган тамойилга мувофиқ аҳолининг маданий савиясини юксалтириш, ёшлар ўртасида китобхонлик, жумладан, электрон китобхонликни ривожлантириш, ижодкор зиёлиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва уларнинг ютуқларини тарғиб этиш борасидаги ишларни кенг акс эттириш;

қўлга киритган барча ютуқларимизнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимиз, аввалambор, ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганини ҳаётий далил ва мисоллар орқали талқин этиш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, **қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш** тамойилига асосан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

Бошланиши 1-бетда.

мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш, жаҳон миқёсида рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, "оммавий маданият" каби таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканини кенг жамоатчиликка етказиш.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ёш ижрочилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Тасвирий ойина" уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда "Энг улуғ, энг азиз", "Сени куйлаймиз, замондош!", "Ранглар жилосида – она диёр", "Ватан учун яшайлик!" каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июнь

Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқ билан самимий ва очиқ мулоқот ўрнатиш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ўз вақтида ечим топиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтариш, юртдошларимизнинг тинч ва осойишта, тўкин ва фаровон ҳаёт даражасини янги мазмун билан бойитиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар матбуот ходимлари зиммасига ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун кенг шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизациялашнинг янги истиқболларини белгилаб берди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар асосида жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистлар фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этилмоқда.

Медиа соҳага кўрсатилаётган эътибор натижасида барча турдаги оммавий ахборот воситаларида тайёрланаётган материаллардаги ўзига хос ижодий, танқидий-таҳлилий ёндашув, медиа маҳсулотлар сифатини тобора яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларига замонавий технологияларни жорий этиш, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг касб салоҳиятини юксалтириш, халқимизни тезкор, холис ва ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг матбуот хизматлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли лойиҳалар ҳаётга жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши нашриётлар фаолиятини давр руҳига мос йўлга қўйиш, ноширлик ишининг янада ривожланиши, ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Йилнинг энг фаол журналисти" ижодий танлови ғолибларига диплом ва совғалар топширилди. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан таъсис этилган "Энг фаол спорт журналисти" республика танлови ғолиб ва совриндорлари ҳам тақдирланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар матбуотимиз ривожи йўлида кўрсатилаётган эътибор, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

– Бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ғайрат, қатъият, шижоат, ижодий изланиш билан меҳнат қиладиган вақт, – дейди "Тошкент" телеканали муҳаррири, "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиби Улуғбек Раҳмонқулов. – Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини эъзозлаш доимий эътиборда. Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш, зиммамиздаги масъулиятни теран англаш, Ватан, халқимиз манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилишни асосий бурчимиз, деб биламиз.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Мирзо Улуғбек" спектакли намойиш этилди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида оммавий ахборот воситалари ходимлари ва уларнинг фарзандлари учун сайил бўлиб ўтди. Ижодий кечалар, китоб савдоси, спорт мусобақалари ташкил қилинди, мусиқий дастурлар намойиш этилди. Барча аттракционлар кичкинтойларга бепул хизмат кўрсатди.

Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

❑ 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Вилоят ҳокими Шукурулло Бобоевнинг жойларда фуқаролар билан ўтказаётган мулоқот ва сайёр қабуллари давом этмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вилоятдаги мутасадди бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ўзини ўзини бошқариш идоралари вакиллари иштирок этишди.

МУАММО БОР ЭКАН, ЕЧИМИ ҲАМ МАВЖУД



– Мулоқотларда 80-85 фоиз масалалар жойида ҳал этилаётгани уларнинг самарали бўлаётганидан далолатдир, – дейди вилоят ҳокими. – Афсуски, баъзи ҳудудларимизда, айрим йўналишлар бўйича Виртуал қабулхонага йўлланаётган шикоятлар кўпайишининг ўзак илдизи одамлар дардига беписанд, лоқайд муносабат, мурожаатчининг ташвиш ва муаммоларини дилдан ҳис қилмасликдир. Кўриб, гувоҳи бўлаяпмизки, аслида уларнинг кўпчилиги ҳудудий раҳбарларнинг ваколати доирасида ҳал бўлиши мумкин бўлган масалалардир.

Ҳоким Халқ қабулхоналари давлат ташкилотлари ва тадбиркорлар ўртасидаги узвий алоқани мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, уй-жой, коммунал, банк, қурилиш, йўлсозлик тизими, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Айниқса, буйруқбозлик ва қоғозбозлик иллатларига чек қўйилаётганига урғу бериб ўтди.

– Президентимиз ҳақ гапни айтдилар – халқ давлат органларига эмас, аксинча, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, – дейди Ҳожикент қишлоғида яшовчи Мухтабар Мирзараҳимова. – Давлат ташкилотлари билан аҳоли ўртасида янгича алоқа ўрнатилгач, электр таъминоти бўйича муаммомиз тез фурсатда ҳал бўлди. Ҳозир уйимизда доим чироқ бор, электр ускуналар соз ҳолатда. Бунинг учун вилоят ҳокимлиги ва "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари" жамиятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шокиржон Миртурсуновнинг айтишича, ҳозир ҳудудда 3 минг 200 нафардан зиёд аҳоли яшамоқда. Бу ерда сув таъминоти билан боғлиқ муаммо бор экан. Шу билан бирга болалар боғчаси ва спорт мажмуаси қуриш масаласи ҳам ўз ечимини кутаяпти. Раис мурожаати тез орада кўриб чиқилиб, ижобий ечим топишига ишонмоқда.

Таъкидланганидек, бундай сайёр қабулларда кўзланган асосий мақсад – аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларимиз томонидан ўртага қўйилаётган муаммоларни жойида кўриб чиқиш ва қонунда белгиланган тартибда ҳал этишдан иборатдир.

Умуман, сайёр қабуллар давомида уйжой таъминоти, судҳуқуқ масалалари, кредит, бандлик, коммунал хизматлар, тадбиркорлик, моддий ёрдам, бепул ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича аҳолидан тушган кўплаб ана шундай мурожаатлар атрофлича муҳокама қилинди.

Мулоқотларда мурожаатларнинг аксарият қисми шу жойнинг ўзида ечимини топди, қолганларини аниқ муддатларда ижобий бартараф этиш бўйича туман, шаҳар ва вилоят мутасаддди идора ва ташкилотларига тегишли кўрсатмалар берилди ва ижроси назоратга олинди.

Хуршида ТУРСУНБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

МЕҲР-МУРУВВАТ, ЭЗГУЛИК АЙЁМИ

Мамлакатимизда миллий анъана, урф-одатларни тиклаш, диний қадриятларимизни эъзозлаш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

❑ Шукуҳ

Ўтган йиллар мобайнида муқаддас ислом динимиз арконларини тўлиқ бажариш, Ҳаж зиёратини адо этиш учун кенг йўл очилди. Рамазон ва Қурбон ҳайитларини катта байрам сифатида қарши олмоқдамиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 20 июндаги "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, бу йил ҳам ушбу улуғ айём мамлакатимизда кенг нишонланди. 26 июнь куни юртимиздаги, хусусан, вилоятимиздаги барча жоме масжидларида Ҳайит намозлари адо этилди.

Шу куни Зангиота туманидаги "Эски қалъа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги жоме масжидига ҳам эрта тонгдан минглаб юртдошларимиз йиғилди. Ҳайит намози маърузасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда пойтахтимизда ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқи мазмун-моҳиятини ҳар бир юртдошимиз чуқур ўрганиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳам меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу амаллар бажариладиган Рамазон ҳайитини кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Айёмга тайёргарлик жараёнида кўча ва гузарлар тартибга келтирилди, муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, масжид, қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

– Муборак ҳайит айёми муносабати билан ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда, – дейди вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари Абдурашид Расулов. – Бундай хайрли ишлар фуқароларимиз ўртасида меҳр-мурувват ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётир.

Холмурод САЛИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БАХТИ БУТУН ЙИГИТЛАР

Бошланиши 1-бетда.

Шу маънода, бугунги кунда фуқаролик бериш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш, бундай юксак унвонга муносиб шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш чораларининг амалга оширилиши халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига тўла мос келади ва ўзбек заминида туғилиб, ўсиб-улғайган ҳамда Ватанимизнинг тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

– Дунёдаги энг фаровон мамлакатда, тинчликпарвар халқ бағрида яшаётганимдан бахтиёрман, – дейди фуқаролик паспортини қабул қилиб олган Фарруҳ Мусаев. – Ҳуқуқ ва эркинликларимни кафолатловчи ҳужжат – фуқаролик паспортига эга бўлдим, энди мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган сайловларда қатнаша оламан. Мен Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сифатида юртимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қиламан.

Тадбирда юксак шарафга, мақомга эга бўлганлар ўзларининг мамнуният ва шукроналикларини изҳор қилишди, сўз олганлар эса ушбу фуқаролар мамлакатимизнинг яна ҳам тараққий этиши йўлида ўз ҳиссаларини қўшишларига ишонч билдирдилар.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

❑ Семинар

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини таъминловчи асосий омиллардан бири энергетика ресурсларидир. Шу боис, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ умуммиллий бойлик ҳисобланган бундай неъматлардан оқилона фойдаланиш масаласи алоҳида долзарблик касб этди.

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ МЕЗОНИ

"Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлимининг вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишида бу жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Профилактик семинар шаклида ўтган мулоқотда инспекция бўлими ходимлари, "Ўзнефтмаҳсулот" ва унинг тизимидаги корхоналар, вилоят солиқ, ички ишлар, ёнғин хизмати бошқармалари мутасаддилари, шунингдек, вилоятда фаолият юритаётган 130 дан ортиқ автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари эгалари бўлган тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, миллий бойлигимиз, давлатимиз иқтисодий салоҳиятининг мезонларидан бири бўлган нефть маҳсулотларини тежаш, улардан мақсадли фойдаланиш, бу беҳаҳо неъматларни келажак авлодларга ҳам етказиш ҳар биримизга дахлдор вазифадир.

Бу борада "Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлимининг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Айтиш жоизки, бўлим ходимлари ҳамкор ва манфаатдор идоралар вакиллари билан биргаликда нефть маҳсулотларидан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, хусусий АЁҚШда бензин ҳажмидан уриб қолишдек салбий иллатларга барҳам бериш борасида кўламли тарғибот ишларини амалга ошириб, аниқланган ҳолатлар бўйича айбдорларга муросасиз муносабатда бўлаяптилар.

Шунингдек, йиғилишда нефть маҳсулотларини сотишда соликка тортиш тартиб-тамойиллари юзасидан фойдали тушунчалар берилди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати мутахассислари эса ёқилғи маҳсулотларини сақлаш ва сотишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишнинг аҳволини таҳлил қилиб, зарур тавсияларни ўртага ташладилар.



Семинар давомида тадбиркорлик субъектлари вакилларига хусусий шахобчалар томонидан нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга миқдор ва сифат жиҳатидан тўғри етказиб бериш, беҳуда исроф бўлишининг олдини олиш, шу билан бирга, лицензия битимларини бажариш бўйича 8 турдаги қўлланмалар тарқатилди.

Қ. НОРҚЎЗИЕВ, "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими бош технологи в.в.б.

❑ Депутатнинг бир куни

Тоғ – фольклорда маънавий устун, ишонч кўрғони рамзи. Қолаверса, тоғларда ғайришуурий улуғворлик, мусаффолик бор. Шу боисданми, одатий кунларнинг бирида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зарифа Эралиева қўнғироқ қилиб, Лашкаракка боришимизни айтганларида, кўнгилда ёруғ хаёллар туғилди. Сабабки, давлатимиз раҳбарининг суд-ҳуқуқ ҳамда диний соҳа вакиллари билан ўтказган суҳбатлари таъсирида, қўнглимиз тоғдек кўтарилиб, жамиятда кечаётган туб ўзгаришлар, айни ишларда оз бўлса-да, ҳиссадор бўлиш имкониятимиз борлигидан шодланиб турганимизда ана ўша ғоялар тарғиботида иштирок этиш ёқимли эди. Қолаверса, опани ўша томонлардан сайланган депутат деб эшитгандик, одамлар ва депутат учрашувига гувоҳ бўлиш ҳам журналист учун қизиқ-да.

Кўнгил меҳригиёси

Сўлим ва пурвиқор Қурама тизмалари бағрида жойлашган Лашкарак қишлоғидамиз. Ҳамроҳларимиз – атоқли режиссёр ва актёр Исамат Эргашев, "Шош наволари", "Шош шанс" фольклор-этнографик ансамбллари жамоаси, "Наврўз" нашриёти директори Илҳом Ҳалилов. Йўл-йўлакай Зарифа опа дўконга кириб, қоғоз халтани тўлатиб, бозор-ўчар қиладики, бу ҳақда кейинроқ яна тўхталамиз...

Маълумки, "Лашкарак" – чегара ҳудуд ҳисобланиб, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг махсус ҳарбий бўлинмаси бор. Дастлабки манзилимиз мана шу маскан бўлди. У ерда сержантлар ва уларнинг оила аъзолари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар иштирокида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Йиғилишда Зарифа Эралиева, режиссёр Исамат Эргашев, маҳалла фаоллари сўзга чиқиб, Президентимизнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мудаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, мазкур йиғилишнинг Ватанимиз маданий-маърифий ҳаётидаги улкан аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.



Гўзал куй-қўшиқлар, соз суҳбатлар билан ўтаётган тадбир давомида барчанинг чеҳрасида бир хосият – юрт тақдирига дахлдорлик, эртанги кунлар бунёдкори бўлиш иштиёқи кўзга ташланарди.

Тадбирдан чиқиб, навбатдаги манзилга йўл олдик. Кўркам арчалар, сарвқад ниҳоллар бағридаги мўъжаз уй олдидамиз. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исмонали Тоштемуровнинг айтишича... боя Зарифа опа ҳафсала билан қилган бозорлик мана шу хонадонга аталган экан...

Неъматжон Исматуллаев 6 нафар фарзанди билан шу хонадонда истиқомат қилади. Зарифа опа Неъматжон ака билан узоқ суҳбатлашди. Суҳбат мавзусидан англаганим шу бўлдики, Лашкаракда катта ишлар бошланаяпти ва бу жараёндан ҳеч ким четда қолмайди...

Ундан кейин яна бир хонадонга кирамиз.

Тоғ бағридаги оддий хонадон. Супада бир отахон ўтирибди. Қарилик экан-да, кўзлари хира тортиб қолган, бироқ қалби равшан. Бир оғиз сўзидан таниб, "Зарифа қизим, сенмисан?", дея салом-алик қилди. Қуюққина кўришдик. Абдуманноб ота Мирзавалиев айни пайтда саксонни қоралаб бораётган эканлар. Депутат ва сайловчи эмас, ота ва қиз каби суҳбатлашаётган даврадошларимга ҳавасим келди. Уларни бир муддат ёлғиз қолдириб, хонадон аҳлини суҳбатга тортдим. Алоҳида эътибор бердимки, отанинг турмуш ўртоғи Яншой опа Элназарова унинг ҳар бир ҳаракатидан нима керакligини дарров илғаб, ўшани ҳозирламоққа тиришади. Яншой опа билан суҳбатимиз асносида маълум бўлдики, фалакнинг гардиши билан Абдуманноб ота фарзандсиз экан. Бахтсиз воқеа сабабли биринчи турмуши ўхшамаган Янишой опа эса қизи Турсуной билан қолади. Қариндош-уруғларнинг маслаҳати, элнинг бош қўшиши билан "икки ёрти – бир бутун" бўлади. Воқеани эшитгач, бу оилага келганда ёш қизалоқ бўлган Турсунойдан сўрайман:

– Турмушга чиққанмисиз?

– Ҳа, фарзандим бор. Отам бир ҳафта бурун қоқилиб тушибдилар, оёқлари сал лат ебди. Ўшандан буён шу ердаман. Отажонимга қараяпмиз, хўжайиним ҳали-замон келиб қоладилар, чорбоққа чиқувдилар-да...

Ростини айтсам, Турсуной билан суҳбатимиз шу ерга етганда икки кунгина бурун интернетда тарқаган бир шов-шувли воқеани эсладим. Қайсидир чет эллик ўз уйига ўғирликка тушиб, отасини дўппослагани жамоатчиликда анчайин норозилик, кескин фикрлар уйғотган эди...

Яхшиямки, дунёда Турсунойлар, Янишойлар, Абдуманноб оталар бор...

Сафаримиз охирлаб бораётган бир пайтда кекса овчи, тажрибали боғбон Эргаш ака Умаров хонадонида бўлдик. Унинг турмуш ўртоғи Маҳбуба опа Зарифа Эралиевага шеърларини кўрсатиб, баъзи жумлалар устида фикрлашди, кези келганда, тортишди. Бу манзараларни кўриб, боз ҳайратим тошар эди. Зарифа Эралиева кўз ўнгимда гоҳ тажрибали нотиқ, халқ дарди билан яшовчи депутат, гоҳ дилгир хаёллар билан яшаётган отахоннинг тутинган фарзанди, гоҳ шашти сўниб турган одамнинг таянчи, суянчи, гоҳ эса шоира аёлларнинг маслаҳатгўйи бўлиб гавдаланар эди. Уни бу ерда ўз оила аъзосидек, яқин кишисидек кутиб олиш, иззат-икром кўрсатиш... Бу воқеликларнинг фақат битта хулосаси бор: бундай ҳурматга лойиқ бўлиш учун йиллар давомида ҳалол меҳнат, фидойилик, одамлар дардига шериклик зарур...

Овчи Эргаш Умаровнинг айтишича, тоғларда меҳригиёҳ деган ноёб ўсимлик бор экан. Минг дардга даво бу ўсимликни топиш қанчалар амримаҳол бўлса, уни жойидан узиб олиш ҳам шунча машаққат бўларкан. Яъни, тунда ўзидан нур таратиб турадиган бу ўсимликни топган одам, ўша жойга махсус белги қўяркан. Кун ёришганда ўша ўтни бирон жонзотга ип билан боғлаб, оҳисталик билан узиб оларкан. Гап шундаки, меҳригиёҳни ким биринчи бўлиб жойидан қўзғатса, шаксиз вафот этаркан.

Қайдам, балки бу бир риоятдир. Лекин халқ орасида бундай ҳикоялар бежиз эмасдир. Аммо, ҳарна бўлганда ҳам бу ерда улуғ бир ҳикмат бор.

Кимки меҳрнинг асллигига шубҳа қилса, демак у ўша онда қалбан ўликка айланади. Меҳрнинг қадрини билмаганларнинг ҳаёти ҳаёт бўлмайди.

Тадбир баҳона бўлган суҳбату саёҳатимиз шу билан тугади. Эҳтимол, бу кўрган-кечирганларимизни ахборот шаклида ёзишимиз мумкин эди. Аммо, лашкаракликлар ва улар ўзлари сайлаган қадрдон депутатлари ўртасидаги самимий меҳрга дахл қилгимиз келмади. Муҳими, ушбу сафар баҳонасида депутат, шоира, публицист – ҳамкасбимиз Зарифа Эралиеванинг қалб дафтарини аста варақлагандек бўлдик...

Беҳзод ҚОБУЛОВ.

❑ Ёз – 2017

Бекобод шаҳрида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиа-тур ташкил этилди.

БОЛАЛАР МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган медиа-турда асосий эътибор оромгоҳларга жалб қилинмаган болалар учун "Ёз концепцияси – 2017" тадбирлари доирасида ҳудудда ташкил этилган соғломлаштириш майдончалари ва "Баркамол авлод" болалар маркази фаолиятига қаратилди.

Иштирокчилар дастлаб "Баркамол авлод" болалар маркази фаолияти билан танишди. Бу ерда ташкил этилган 26 тўгарак машғулотларига 660 ўқувчи қатнашмоқда.

– Марказимиз ёшлари вилоят ва мамлакат миқёсидаги турли тадбирлар, хусусан, "Миллий таомлар", "Соғлом турмуш тарзи", "Автомодель ясаш", "Биз – гиёҳвандликка қаршимиз!" каби фестиваль ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда, – дейди Бекобод шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази директори О. Раҳмонбердиева. – Тўгарак машғулотларидан ташқари, болалар турли спорт мусобақаларида қатнашиши учун ҳам барча шароит яратилган.

Тадбир давомида журналистлар 2-умумтаълим мактабида ташкил этилган "Севинч" оромгоҳи фаолияти билан танишди. Бу ерда дам олаётган 100 ўқувчи тасвирий санъат, мусиқа, инглиз тили ва китобхонлик тўгаракларига жалб этилган. Шунингдек, 16-умумтаълим мактабида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш майдончасида ҳам айни пайтда 12 тўгарак фаолият юритмоқда.

Медиа-тур доирасида Халқ таълими вазирлиги ходимлари, журналистлар ва ўқитувчи-мураббийлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ёзги соғломлаштириш оромгоҳларидаги шароит, янги ўқув йилига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан вилоятдаги барча умумтаълим мактабларида ташкил этилган "Ота-оналар билан мулоқот хонаси" фаолияти ҳақида маълумот берилди. Таълим муассасалари билан ота-оналар ўртасидаги мулоқотни янада мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни жойида ҳал қилиш ва бу борада ўзаро ҳамкорликни мақсад қилган бундай мулоқот хоналарини юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам оммалаштириш хусусида фикр алмашилди.

А. МУСАЕВ, ЎзА мухбири.

УМРИНГИЗНИ БИР ҚАТРА ОҒУГА АЛМАШТИРМАНГ

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида Гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан ташкил этилган ёшлар фестивалида шу фикр хаёлимиздан ўтди. "Ёшлар – гиёҳвандликка қарши" мавзуидаги мазкур тадбирни ўтказишда вилоят ҳокимлиги, маданият, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино", "Ўзбекконцерт" вилоят бўлимлари ҳамкорлик қилди.



❑ Сана

Фестивалда намойиш этилган "Гирдоб" видеофильми қаҳрамонининг сўзлари киши қалбини ларзага келтиради:

"Шу иллат деб, бор будимдан айрилдим. Оилам, ширинам шакар фарзандларим, тузуккина ишим бор эди. Машинамни сотдим. Устига устак гепатит Б, ОИТС касаллигини орттириб олдим. 10 йиллик умрим ҳавога совурилди. Буни мен душманимга ҳам раво кўрмайман".

Гиёҳвандлик оқибатларига тўхталамиз: кишида бахт ҳақидаги сохта таассурот уйғонади, инсон иродасиз ва кучсиз бўлиб қолади. Руҳияти, ҳаётий қобилият, қизиқиш, соғлиқ ва ҳар қандай ҳиссиётларнинг сусайиши, ўғирлик ва зўравонлик, оиланинг бузилиши ва ҳаётий қадриятларнинг йўқолиши, дўстлардан ажралиш, В ва С гепатитлари, ОИТС ва қоннинг заҳарланиши, ногирон ва касалманд фарзандлар туғилиши, эрта ўлим ҳолатлари...

– Зарарли одатлар орасида инсон ва жамият учун энг хавфлиси бу – гиёҳвандликдир, – дейди Қибрай тумани наркологи Раҳим Тожиқулов. – Туманимизда рўйхатга олинган 11 нафар гиёҳвандни соғломлаштириш учун барча чораларни кўраяпмиз. Гиёҳвандликни бартараф этса бўлади. Бунинг учун бемор соғлом турмуш тарзига амал қилиши, руҳий тушкунликдан чиқиши учун психолог мутахассисга мурожаат қилиши зарур. Ҳаётда ўз олдига мақсад қўйиб, шунга интилиши, спорт ва жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланиши керак бўлади.

Тадбир ўтказилаётган зални кузатамиз. Саҳнада ташкилотчилар ва мутахассислар жон куйдириб, мавзу доирасида маърузалар ўқишаяпти. Лекин тадбирга келган айрим йигит-қизларнинг қўл телефонини ўйнаб, интернет сайтларини титкилаб ўтиришларини кўриб, ҳайрон қолдик.

Назаримизда улар қаерга ва нима учун келишганини ҳам билишмаса керак. Демак, ташкилотчилар ўтказилаётган тадбирларнинг самараси ва савиясига ҳам кўпроқ эътибор беришлари керакка ўхшайди.

Фестивалда фаол қатнашганлардан Байтқўрғон хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Ойбек Каримов ўзи учун кўп билимларни олди. Бу ерда эшитган маълумотларни ўртоқларига бориб етказишини билдирди.

Фестиваль давомида ёшларнинг севимли хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар даврага кўтаринкилик бағишлади.

Хуршида НАЗАРОВА.
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишишингиз мумкин.

НОГИРОНЛИК ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ

Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, мамлакатимиз ижтимоий ҳимоя тизимида ногиронлик қайси омилларга асосан белгиланади?

Д. Тошмуродов, Бўка тумани.

❑ Сўраган эдингиз

Давлат томонидан ногиронларнинг турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиш, қоплаш (компенсация қилиш), жамият ҳаётига интеграциялашувига қаратилган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ва унинг иловаларида ногиронликни белгилаш тартиблари кўрсатилган.

Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) фуқароларни кўрикдан ўтказиш жараёнида уларга ногиронлик гуруҳи, сабаблар ва муддатлари ҳамда касбий лаёқатини йўқотганлик, касаллик тури ва даражаларини белгилаш тўғрисида хулоса берибгина қолмай, ногиронларнинг касаллик тури ва даражасига қараб, диагностика ва реабилитация чора-тадбирларини ҳам белгилайди. Жумладан, клиник диагнозга аниқлик киритиш мақсадида даволаш-профилактика муассасаларига, реабилитация марказларига йўллайди.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, баъзи ҳолларда ТМЭКга тақдим этилган ҳужжатларда имзоларнинг тўлиқ эмаслиги ва сифати таъминланмагани ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ТМЭК кўригига ҳужжат тайёрлаш даволаш-профилактика муассасаларининг шифокорлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, асосий мақсадимиз бизга мурожаат қилган ҳар бир фуқаронинг касаллик даражасини ҳаққоний баҳолаш ва зарур хулоса беришдан иборат.

Андрей ПАК,
вилоят тиббий меҳнат экспертиза комиссияси раиси ўринбосари.

Ижтимоий реклама

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майдаги "Давлатга тегишли объектларни ва активларни хусусий мулк қилиб сотишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 295-сонли Қарори ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 16 июндаги 148и/ч-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активлари оммавий оферта савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

№	Давлат активларининг номи	Юридик манзили	Балансда сақловчи
1.	"Туркистон маданият уйи биноси"	Зангиота тумани, Назарбек кўрғони, "Ғиштчилар" маҳалласи	Зангиота тумани ҳокимлиги
2.	Солиқ инспекциясининг фойдаланишда бўлмаган маъмурий биноси	Янгийўл тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 1-уй	Янгийўл тумани давлат солиқ инспекцияси
3.	Болалар боғчаси бино-иншоотлари	Бўка тумани, «Туркистон» ф/у ҳудуди	Бўка тумани ҳокимлиги
4.	"5-сон мактабга қарашли болалар боғчаси бино-иншоотлари"	Қуйи Чирчиқ тумани, Майдонтол ҚФЙ, Дўстлик мавзеси, "Қизона" маҳалласи	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги
5.	6-уйнинг биринчи қаватида жойлашган дўкон бино-иншоотлари	Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 6-уйнинг биринчи қавати	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги
6.	"Халқобод" поликлиникасининг икки қаватли биноси	Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ	Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси
7.	"Кончи" маданият уйи биноси	Ангрен шаҳри, Жигаристон ҚФЙ ҳудуди	Ангрен шаҳар ҳокимлиги
8.	"Универсам" дўкони биноси	Ангрен шаҳри, Қизилтоғ қўрғони (Красноторск)	"НКМК" ДКнинг Жанубий кон бошқармаси
9.	"34-сонли умумтаълим мактабининг болалар боғчаси бино-иншоотлари"	Оққўрғон тумани, Сегизбоев массиви, 2-бўлими	Оққўрғон тумани ҳокимлиги
10.	"Собиқ 44-сон болалар боғчаси бино-иншоотлари"	Бўстонлиқ тумани, Нанай ҚФЙ	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги
11.	"Каскад" дўконининг 1-бўлими	Ангрен шаҳри, Дукент қўрғони	Ангрен шаҳар ҳокимлиги
12.	Китве кўчасидаги 7-уйнинг биринчи қавати	Олмалиқ шаҳри, Китве кўчаси, 7-уйнинг биринчи қавати	Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги
13.	"Қорасув агро трактор" давлат унитар корхонаси	Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ	"Қорасув агро трактор" давлат унитар корхонаси

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси. Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 233-03-12. **E-mail:** tashreg@gki.uz. **Интернет тармоғидаги веб-сайт:** www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат кўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри музокаралар (оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

№	Давлат объекти номи	Бино-нинг умумий майдони (кв.м.)	Умумий ер майдони (га)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланғандаги фоизи	Савдо куни 2017 йил 1 август соат 11.00 да* Объектнинг сотиш қиймати (сўмда)
1	Собиқ 23-сон мактаб бино-иншоотлари	819,88	0,49	Бўка тумани, «Қашқадарё» ф/у ҳудуди	Бўка тумани ҳокимлиги	526 652 665,0	50	**263 326 332,5**
2	Товоқсой иқтисодиёт ва талбиркорлик коллежи нотурар биноси	1743,36	1,283	Бўстонлиқ тумани, Партос ҚФЙ, Элбек кўчаси, 22-уй	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги	2 763 877 041,0	50	**1 381 938 520,5**
3	Нон заводининг биноси	1365,28	0,4847	Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри	"Бўстонлиқ таъми-нот савдо" давлат унитар корхонаси	2 367 860 000,0	50	**1 183 930 000,0**
4	Собиқ болалар боғчаси бино-иншоотлари	711,48	0,24	Қуйи Чирчиқ тумани, Истиқлол ҚФЙ, «Беруний» ф/у,	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	849 906 000,0	50	**424 953 000,0**
5	3-сон терапия бўлими бино-иншоотлари	2983,52	3,3101	Қуйи Чирчиқ тумани, Беруний массиви	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1 258 074 000,0	50	**629 037 000,0**

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи сотиш нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг Ғазначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002, ИНН 200555539;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХКМ х/р: 23402000300100001010, ИНН 201122919, МФО 00014.

Оммавий оферта савдоларида қатнашишга буюртманома қабул қилиш, билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.

*** – Оммавий оферта савдоларини ўтказишнинг дастлабки куни 2017 йил 1 август ва офертанинг ҳар 15 кунда бир маротаба даврийликда бўлиб ўтадиган саналари 2017 йилнинг 16 август, 31 август ҳамда 15 сентябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.**

Оммавий офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани тақдим этади:

1. а) Юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

b) Жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

2. Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бошланғич тўлов пули сифатида тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

3. Елимлаб оғзи ёпилган иккита конвертга солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлари:

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (агар мавжуд бўлса);

– агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг мухри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. **Маълумот учун телефонлар:** (0-371) 230-41-73, 233-03-12.

E-mail: tashreg@gki.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда

Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Маънавият

АЖДОДЛАРДАН МЕРОС ХАЗИНА



Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" асарида тил одоби, яъни ўқиш ва билим олишда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик хусусида қуйидагилар баён қилинади: "Тил – ақл ва билимнинг таржимонидир. Билки, кишини нуроний қилувчи восита очиқ ва мазмундор тилидир.... Тил кишини иззатли қилади, киши тили билан бахтли бўлади. Тил арслондир, қара, у сени доим эшикда пойлаб ётади. Эй мағрур уй хўжаси, ҳушёр бўлки, агар тилингга ортиқча эркинлик берсанг – ўйламасдан сўзласанг – у бир кун эмас, бир куни ўз бошингни ейди....".

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, тил – сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий тилни инсонни ҳайвондан ажратувчи "гавҳари шариф"га ўхшатади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзлари ҳам айни ҳақиқатдир: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур".

Она тилимиз, ундаги ноёб сўз ва иборалар, ҳикматлар, мақол ва маталлар асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба асосида шаклланган, тўпланган ва сайқал топган бўлиб, бу беназир хазина, биз, биздан кейинги авлодлар учун ноёб мерос ҳисобланади. Бу хазинадан баҳраманд бўлган буюк аждодларимиз ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирлар дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшдилар, айни чоғда, ўзларининг буюк асарлари, илм-маърифатлари билан бу хазинани янада бойитиб, мақомини баланд кўтардилар.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзи, орзу-умидлари, зулм ва истибдодга қарши курашлари, шу билан бирга, эзгу инсоний фазилатлари, бағрикенглиги, мард ва тантилиги, ҳақсўз ва меҳнатсеварлиги сон-саноқсиз мақол ва маталларда, ҳикматли ривоятларда ўз ифодасини топган десак, муболаға бўлмайди. Шу боисдан ҳам, тилга эътибор бериш, уни миллий бойлик сифатида севиб-ардоқлаш, бойитиш, келажак наслларга бутун таровати, завқ-шавқи билан етказиш бизнинг аждодлар руҳи олдидаги маънавий бурчимиз ҳисобланади.

Тил шундай бир боғки, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир ғунчанинг ўз ўрни бор, бордию улардан бири эътиборсиз, парваришсиз қолса, боғнинг кўрки бузилади, таровати сусаяди. Бинобарин, тилимиздаги ҳар бир мақол ва матал, сўз ва ибора ҳам худди шундай мақомга эга. Ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар, ривоят ва ҳикоятлар орқали биз узоқ ўтмишга назар ташлаймиз, халқимиз босиб ўтган машаққатли йўлдан хабардор бўламиз. Шу маънода, тилни бугунги кунни олис ўтмиш билан боғловчи маънавий кўприкка қиёслаш мумкин. Бу кўприк бизни эзгу амалларга, инсоний комилликка, саховат-пешалик ва бағрикенгликка, ҳалол-покликка, шу билан бирга, яратувчиликка даъват этади. "Тилини асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл эса йўлидан, ўзлигидан адашади", деганларидек, тил бойлигимизни ўзлигимизни йўқотмаслик учун ҳам асрашимиз лозимдир.

Собиқ тузум шароитида тилимиз кўп жиҳатдан таназзулга юз тутди. Она тилига эътибор сусайди, неча асрлар давомида халқимизга маънавий ҳамроҳ, нажот воситаси бўлиб келган ўзбек тили асоссиз камситилди. 1989 йилнинг 19 октябрь куни бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиясида мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб расман эълон қилинди. Мустақилликка эришганимиздан кейин, 1992 йилнинг 7 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилди, яъни ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси каби муқаддас тимсоллардан бирига айланди.

Бу, шубҳасиз, катта ғалаба эди. Аммо узоқ йиллар давомида тилимизга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш осон бўлгани йўқ. Бу борада кейинги йигирма йил ичида жуда катта ишлар қилинди, она тилимизнинг қадди-басти, нуфузи тикланди, илмий-тадқиқот ишлари, ёзишмалар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлди. Бироқ, бу жараён асло тўхтаб қолмаслиги керак. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганидек: "Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиши доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз".

Бу вазифани бажариш учун амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи тобора ошаётгани, ўзбек тилига, тарихимиз ва маданиятимизга, истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқларга қизиқиш дунё миқёсида кучайиб бораётгани, ўзбек кураши билан боғлиқ иборалар жаҳон халқлари тилида янграётгани, айниқса, қувонарлидир. Бироқ, таассуфки, ҳали-ҳануз она тилига эътиборсизлик, тил маданиятини менсимаслик ҳолатларига ҳам дуч келиб турибмиз. Бунга асло бефарқ қараб бўлмайди. Буни телекўрсатувларда, радио эшиттиришларда, кино асарларида маълум ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементлари тобора кўпроқ учраётганида, адабий сўзлар, иборалар қолиб, шева сўзлаш урф бўлиб бораётганида кўриш мумкин. Фақат шугина эмас, айрим тарғиботчи воизлар ҳам маъруза ёки суҳбатларида адабий тил меъёрларига тўла амал қилмайдилар, натижада тингловчи эътиборини қозона олмайдилар.

Яна бир қусур – кўчаларимизда имло қоидаларига риоя қилинмай ёзилган эълон, савдо-тижорат рекламаларини кўриб, кўнгил ғаш бўлади. Матбуот бу тўғрида кўп ёзмоқда, аммо аҳволни ўнглаш ҳаракатлари сезилаётгани йўқ. Бир мисол. Амир Темур кўчаси бўйлаб Юнусобод томонга бораётган йўловчининг кўзи йирик паннодаги ажабтовур таржимага тушади. "Отопительные системы" жумласи ўзбек тилига "Иссиқ қилиш" деб ўгирилган. Нўноқ таржимон, афтидан, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "Тил офатлари" китобини ўқимаган ва бу алломанинг қуйидаги сўзларидан бехабар бўлса керак: "Инсонга энг ифтихорсизлик аъзо тилдир. Чунки, бу суяксиз аъзонинг осонгина ҳаракатга келиши, ҳеч бир машаққатсиз югуриклиги кутилмаган оқибатларга сабаб бўлади".

Тил – тирик организм, у ҳам худди инсон вужудидек, парваришга, диққат-эътиборга муҳтож. Тўғри парваришланган ниҳол эрта мевага киргани каби, тилга эътибор ҳам янги авлод тарбиясида, албатта, ўз самарасини беради.

М. АҲМАДЖОНОВ.

Бошланиши 1-бетда.



ХУШҲАВО МАНЗИЛЛАР ШИФОСИ

Қибрай туманидаги "Ботаника" сиҳатгоҳи ёнидан мавжланиб "Бўзсув" канали оқиб ўтади. Иқлими мўътадил бу маскан 19,2 гектарлик манзарали дарахтзор ва гулзорлар, замонавий ҳамда кўркам биноларни ўз ичига олади.

Саломат бўлинг!

– Сиҳатгоҳимиз овқат-ҳазм қилиш, асаб тизими ҳамда юрак-қон томир касалликлари бўйича соғломлаштиришга ихтисослашган бўлиб, бир вақтнинг ўзида 322 нафар дам олувчини қабул қилиш имконига эга, – дейди олий тоифали кардиолог Шаҳло Насриддинова. – Даволаш, ванна бўлимлари, тўрт ва беш қаватли ётоқхоналар, оилавий коттежларимиз бор. Дам олувчилар йилнинг исталган фаслида саломатликларини тиклашлари учун физиотерапия, маъданли ванналар, сузиш ҳавзаси, сув ва балчиқ билан даволаш усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Сиҳатгоҳнинг Шарифа Йўлдошева, Гулнора Шавкатова каби ходимлари хизматидан ёшу қари бирдек мамнун.

Қариялар ва фахрийлар учун қўшимча ёруғлик мосламалари, тўғридан-тўғри навбатчи шифокор билан боғланиш имконини берувчи алоқа воситалари ўрнатилган. Уларга қулайлик яратиш мақсадида муолажа, уқалаш, физиотерапия даволаш хоналари ётоқ бинолари билан ёнма-ён ташкил этилган. Фахрийлар учун ёрдамчи малакали тиббиёт ходимлари бириктирилган.

Санаторийда 1200-1700 метр чуқурликдан юқори босим билан чиқариладиган маъданли сувдан ванна қабул қилиш ва ошқозонни ювишда самарали фойдаланилади. Сиҳатгоҳ шифокорларининг айтишича, бу сув инсон организмидаги модда алмашинувини яхшилаб, ферментлар фаоллигини ошираркан, шунингдек, овқат ҳазм қилиш органларининг яллиғланиши, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак яраси, жигар ва ўт йўли хасталикларида самарали таъсир кўрсатар экан.

Яна бир омил – таркибида натрий хлор, калий, олтингугурт, темир, йод ва бошқа элементлар бўлган шифобахш балчиқ Жиззах вилоятидаги "Балиқли" кўлидан олиб келинади.

– Инсон учун саломатликдан ортиқ бойлик йўқ, – дейди даволанувчилардан бири, қашқадарёлик 60 ёшли Холиқул Авлаев. – Айниқса, ёш ўтгач, вақти-вақти билан соғлиққа қараб туриш лозим бўларкан, денг. Шу боис, ёзнинг иссиқ кунларида юртимизнинг хушҳаво манзилларидаги сиҳатгоҳларга бориб турамиз. Соғлигимиз учун ғамхўрлик қилиб, хушмуомаласини аямайдиган шифокору ҳамширалар бор бўлишсин!

Ҳуррият МЎМИНОВА.



101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент вилояти ҳудудида 19-25 июнь кунлари 30 та ёнғин қайд этилди. Уларнинг 16 таси аҳоли уйларига тўғри келади. Ёнғин сабаблари ўрганилганда, 4 таси электр симларининг қисқа туташуви, 7 таси болалар шўхлиги, 19 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни "Ёнғинлар профилактикаси куни" деб белгиланган муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунтириш ишлари янада кенг кўламда ўтказилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар!

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ.

ИККИНЧИ ДАВРАДАН УМИД КАТТА

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилаётган "Олмалиқ" ва "Металлург" жамоалари биринчи даврани мусобақа жадвалининг юқори қисмида якунлади.

Спорт



"Олмалиқ" футболчилари учун мавсум оғир бошланган бўлса-да, тажрибали мураббий Виктор Кумиков қисқа фурсат ичида жамоавий ўйинни шакллантира олди. Бунинг самараси ўлароқ, "Олмалиқ" миллий чемпионат учрашувларида кетма-кет ўн битта учрашувдан буён мағлубиятсиз ўйнамоқда. Жамоамиз вакилларининг "Пахтакор" ва "Насаф" каби кучли клубларни мағлуб этгани мухлисларни, айниқса, қувонтирди.

15-турда ўз майдонида мусобақа пешқадамларидан бири – "Кўқон-1912" жамоасини қабул қилган олмалиқликлар дуранг натижа қайд этди ва очколари сонини 24 тага етказиб, тўртинчи поғонадан мустаҳкам ўрин олди.

Бекободнинг "Металлург" жамоаси ҳам биринчи давра ўртасида юзага келган мураккаб вазиятни енгиб ўтди ва очколари сонини мунтазам ошириб бормоқда. Сўнгги учта учрашувда "Насаф", "Обод" ва "Қизилқум"дан устун келган бекободлик чарм тўп усталари биринчи даврани-нг охирги ўйинини Фарғонада – таниқли мураббий Вадим Абрамов бошқарувига ўтган "Нефтчи" жамоасига қарши ўтказди.

Бу баҳсда Зоҳид Абдуллаев ва Муроджон Тошматов томонидан киритилган голлар "Металлург"га қаторасига тўртинчи ғалабани келтирди ва очколари сонини 20 тага етказган вилоятимиз жамоаси кучли еттиликка қўшилди.

15-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Обод" – "Пахтакор" 1:4, "Динамо" – "Машъал" 0:0, "Қизилқум" – "Шўртан" 2:0, "Сўғдиёна" – "Бухоро" 1:2, "Насаф" – "Навбаҳор" 4:0, "Бунёдкор" – "Локомотив" 1:0.

Иккинчи давра ўйинлари олдидан мутахассислар "Олмалиқ" ва "Металлург"да совринли ўринларга даъвогарлик қилиш имконияти юзага келганини таъкидлашмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

XXI аср ва ДУНЁ

ҲАВОДАН СУВ ОЛИБ...

Нидерландиялик мусаввир Ап Верхегген кун давомида жазирама ҳаводан саккиз литргача сув олмоқда. Бу мутахассис ўзи кашф қилган ускунани Мали чўлларида синовдан ўтказмоқда.

Унинг айтишича, ихтироси иссиқ ҳавони сувга айлантиради. Қурилма қуёш энергияси асосида ишлайди. Устига ўрнатилган қуёш батареялари ҳосил қилган энергия намликни ҳайдайдиган совутиш насосини ишга туширади. Қурилма ичидаги оқ металл қаттиқ совийди ва ташқаридан кирган ҳаво оқими билан реакцияга киришади. Муздек металл ва иссиқ ҳаво таъсирида юзага келган реакция ҳосиласи – сув махсус идишга тўпланади.

Ҳозирча, бу қурилма синов тариқасида ишлатилаяпти.

Тадқиқотчи бу ихтироси ривожланиб, чўл ҳудудларида сувга бўлган эҳтиёжни камайтириш, одамларнинг талабини қондиришига ишонмоқда.

ТАНСИҲАТЛИКНИНГ УЧ КАЛИТИ

Америкалик тадқиқотчилар инсон ҳар куни истеъмол қилиши лозим бўлган соғлиқ учун энг фойдали уч маҳсулотни аниқлашди. Уларнинг айтишича, кунига олма, сабзи ва ёнғоқ еган одамнинг саломатлиги ҳимояланган бўлар экан.

Олма – антиоксидант хусусияти кучли, табиий кимёвий моддаларга бой мева сифатида қўплаб касалликларнинг олдини олади. Хусусан, ҳар куни олма еган одам саратон ва юрак-қон томир касалликлари хавфини сезиларли даражада пасайтирган бўлади.

Сабзи – витаминларга бой, модда алмашинуви тизими, овқат ҳазм қилиш ва ичак фаолиятини яхшилаш орқали саломатлигимизга ижобий таъсир қилади.

Ёнғоқ – қон босими ва холестерин миқдорини барқарорлаштиради. Ота-боболаримиз, "Ёнғоқ е, миянг яхши ишлайди!", деб бежиз айтишмаган, ахир.

Бундан ташқари, мутахассислар олма, сабзи ва ёнғоқ инсон ҳужайраларининг табиий тикланишини таъминлаб, одамни тўқ тутади, организмни зарурий витамин ва антиоксидантлар билан тўйинтиради, деб таъкидламоқда.



Энг муҳими, бу уч маҳсулотни йил бўйи юртимизнинг барча ҳудудида, исталган бозор ёки дўкондан харид қилиш имкони бор.

УЧУВЧИСИЗ САМОЛЁТДА ПАРВОЗ...

Замонавий технологиялар тараққиёти ақлбовар қилмас янгиликларни ҳам тан олишга мажбур этмоқда. Илгари хомхаёл ёки мўъжиза, дея саналган воқеликларнинг аксариятидан бугун ўзимиз кундалик ҳаётда фойдаланаяпмиз.

Энг йирик самолёт ишлаб чиқарувчи – "Boeing" компанияси учувчисиз йўловчи самолётини синовдан ўтказишни режалаштирмоқда.


Бу турдаги самолётлар сунъий интеллект ёрдамида автопилот орқали бошқарилади. Ҳозир ҳам замонавий авиалайнерлар борткомпьютери ёрдамида учувчининг аралашувисиз ҳавога кўтарилиши ва қўндирилиши мумкин. Парвозда автопилот бошқарувидан эса, узоқ йиллардан буён самарали фойдаланиб келинмоқда. Қолаверса, учувчилар сони учтадан иккитага туширилгани ҳам инсон ўрнини секин-аста технология воситалари эгаллаётганидан далолат беради.

"Boeing" компанияси мутахассислари яқин орада самолёт тренажёрида сунъий интеллект қўлланилган янги технологияни синай бошлайди. 2018 йилда эса учувчисиз самолёт реал ҳаётда синовдан ўтказилади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 28 июнь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-22, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-25, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ҳолмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-9394. Адади 12 926. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.00.